

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ)нинг ҳажми 14 126,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан ўсиш суръати 101,0 фоизга тенг бўлди.


2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 107,7 фоизни ташкил қилди.

**Январь-сентябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**


|  | млрд.сўм        |                 | 2019 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--|-----------------|-----------------|--|
|  | 2019 йил        | 2020 йил        |  |
| <b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>          | <b>12 980,2</b> | <b>14126,4</b>  | <b>101,0</b>                                     |
| <i>шу жумладан:</i>                            |                 |                 |  |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати            | 11 664,9        | 13 206,8        | 101,1  |
| Маҳсулотларга соф солиқлар                     | 1 315,3         | 919,6           | 100,8  |
| <b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b> | <b>11 664,9</b> | <b>13 206,8</b> | <b>101,1</b>                                     |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги                | 3 028,2         | 3 563,0         | 101,7  |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)                | 4 534,0         | 4 999,0         | 102,2  |
| саноат   | 3 409,3         | 3 701,3         | 102,5  |
| қурилиш  | 1 124,7         | 1 297,7         | 101,3  |
| Хизматлар                                      | 4 102,7         | 4 644,8         | 99,3   |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар     | 648,0           | 715,5           | 98,0   |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари   | 765,5           | 841,5           | 104,9  |
| бошқа хизматлар                                | 2 689,2         | 3 087,8         | 98,1   |

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан фоизда)

2019 йил январь-сентябрь



2020 йил январь-сентябрь



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ўсиш суръати – 101,7 % (ЯХМ таркибидаги улуши 27,0 %), саноат (қурилишни қўшган ҳолда) – 102,2 % (37,8 %) ҳамда хизматлар тармоғи – 99,3 % (35,2 %).


Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚК) ҳажми умумий ЯХМнинг 93,5 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 6,5 фоизини ташкил этди.

**Январь-сентябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида**

|   | жамига нисбатан<br>фоиз ҳисобида |              | ўтган йилга<br>нисбатан<br>фарқи, (+;-) |
|---|----------------------------------|--------------|---|
|   | 2019 йил                         | 2020 йил     |   |
| <b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот,<br/>жами</b>   | <b>100,0</b>                     | <b>100,0</b> | <b>x</b>                                |
| <i>шу жумладан:</i>   |                                  |              |   |
|  Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 89,9                             | 93,5         | 3,6                                     |
|  Маҳсулотларга соф солиқлар          | 10,1                             | 6,5          | - 3,6                                   |
| <b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>  | <b>100,0</b>                     | <b>100,0</b> | <b>x</b>                                |
|  Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги     | 26,0                             | 27,0         | 1,0                                     |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)   | 38,8                             | 37,8         | -1,0                                    |
|  саноат                              | 29,2                             | 28,0         | -1,2                                    |

|   | жамига нисбатан<br>фоиз ҳисобида |          | ўтган йилга<br>нисбатан<br>фарқи, (+;-) |
|---|----------------------------------|----------|---|
|   | 2019 йил                         | 2020 йил |   |
|  қурилиш   | 9,6                              | 9,8      | 0,2                                     |
| Хизматлар   | 35,2                             | 35,2     | 0,0                                     |
|  савдо, яшаш ва овқатланиш<br>бўйича хизматлар   | 5,6                              | 5,4      | -0,2                                    |
|  ташиш ва сақлаш, ахборот ва<br>алоқа хизматлари | 6,6                              | 6,4      | -0,2                                    |
|  бошқа хизматлар                                 | 23,0                             | 23,4     | 0,4                                     |

2020 йилнинг январь-сентябрда ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича




### Иқтисодий фаолият турлари ўсиш суръатлари

Ҳисобот даврида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7 406,9 минг сўмни ташкил этиб ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 % га камайган.



#### Январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,0 фоиз пунктга (ЯҲМ таркибидаги улуши 37,8 %) камайди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2020 йил январь-сентябрида 27,0 фоизни ташкил этди ва 2019 йил мос даври (26,0 %) билан таққосланганда 1,0 фоиз пунктга ошган ҳамда хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 35,2 фоизни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққосланганда ўзгаришсиз қолган.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 5,4 фоизни (2019 й. 5,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 6,4 фоизни (6,6 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 23,4 фоизни (23,0 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймат таркиби  
(жамига нисбатан фоизда)

2019-йил январь-сентябрь



2020-йил январь-сентябрь

